## Даврий босма нашрларга обуна бўлиш тўғрисида
## ШАРТНОМА № 04 /120122К

Тошкент ш. 2022 йил «12» январь

«MTSFER-U Nashriyot uyi» МЧЖ, кейинги ўринларда «НОШИР» деб аталади, Устав асосида иш олиб борувчи Директор Тургунов Улугбек Анарбаевич орқали бир томондан ва ____________________, кейинги ўринларда «ОБУНАЧИ» деб аталади, ____________________ асосида иш олиб борувчи ўз вакили ____________________ орқали бошқа томондан, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. «НОШИР» **«Sog`liqni saqlashni tashkil etish va boshqarish» / «Организация и управление здравоохранением»** ойлик журналига 2022 йил учун обунани расмийлаштириш ва ойлик журналнинг **йиллик тўпламини** «ОБУНАЧИ»га етказиб бериш мажбуриятини олади, «ОБУНАЧИ» эса мазкур Шартнома шартларида обуна учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. «Sog`liqni saqlashni tashkil etish va boshqarish»/«Организация и управление здравоохранением» ойлик **журналининг ўн иккита сондан иборат битта тўплам нархи 814 200** (саккиз юз ўн тўрт минг икки юз) сўмни ташкил қилади, шу жумладан **ҚҚС – 15% - 106 200 сўм.**

3. Мазкур Шартнома бўйича умумий сумма _________ (____________________________________) сўмни ташкил этади, шу жумладан ҚҚС – 15%

4. Тўлов «НОШИР»нинг ҳисоб-китоб варағига ҳақнинг **100 фоиз ҳажмидаги** пул маблағларини олдиндан ўтказиш йўли билан, мазкур Шартноманинг 11-бандига мувофиқ мазкур Шартнома кучга кирган кундан кейин 10 (ўн) банк куни мобайнида амалга оширилади.

5. «НОШИР» мазкур Шартноманинг 1-бандида кўрсатилган даврий нашрларни **«ОБУНАЧИ» реквизитларида кўрсатилган почта манзилига** ўз вақтида етказиб бериш мажбуриятини олади.

6. «ОБУНАЧИ» қуйидаги мажбуриятларни олади:

- Мазкур Шартноманинг 2 ва 3-бандларида кўзда тутилган миқдорда ва муддатларда тўловни амалга ошириш;
- **«НОШИР»**га ёки унинг вакилига шартноманинг **бир нусхасини** электрон почта, почта жўнатмаси ёрдамида ёки электрон ҳужжатлар айланмаси воситаларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида етказиб бериш ва етказиб бериладиган нашрларни қабул қилишни амалга оширувчи масъул шахсларнинг координаталарини маълум қилиш ва уларга ишончнома расмийлаштириш;
- тақдим этилган ҳисобварақ-фактурани электрон форматда ўз вақтида имзолаш;
- ўз реквизитларининг, шу жумладан нашрларни етказиб бериш учун кўрсатилган манзил ўзгарганлиги ҳақида зудлик билан хабар бериш, акс ҳолда «НОШИР» нашрларнинг етказиб берилмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

7. Тўлов муддатлари бузилган тақдирда «НОШИР», «ОБУНАЧИ»ни қўшимча хабардор қилмасдан туриб даврий нашрларни етказиб беришни тўхтатиб туриш ва тўлов олингандан кейин етказиб беришни тиклаш ҳуқуқига эга.

8. Мазкур Шартнома бўйича қабул қилган мажбуриятлар бажарилмаса ёки лозим даражада бажарилмаса, Томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

9. «ОБУНАЧИ» ўзининг реквизитларида почта манзилини нотўлиқ ёки нотўғри кўрсатгани ёхуд умуман кўрсатмагани сабабли нашрлар «ОБУНАЧИ»га етказилмаганлиги ёки ўз вақтида тўлиқ етказилмаганлиги учун «НОШИР» жавобгар бўлмайди.

10. «Томонлар» мазкур Шартнома бўйича ўзларининг мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бажарилмаслик Шартнома тузилгандан сўнг Томон олдиндан билиши, олдини олиши мумкин бўлмаган (форс-мажор) ҳолатлар: табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар, амалдаги қонун ҳужжатларининг ўзгариши, темир йўл ёки авиациянинг жадвалининг ўзгариши ёки кечикиши, «НОШИР»нинг айбсиз нашр чиқишининг кечикиши ёки нашрларни етказиб бериш манбасининг (таҳририят, нашриёт, матбаа ва бошқаларнинг) тугатилиши каби фавқулодда тусдаги енгиб бўлмас куч туфайли юзага келган бўлса.

11. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган бахс ва келишмовчиликлар имкон қадар «ТОМОНЛАР» ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади. Бахсларни музокаралар йўли билан ҳал қилишнинг имконияти бўлмаган тақдирда «ТОМОНЛАР» қонун ҳужжатларида кўзда тутилган келишмовчиликларни судгача ҳал қилиш тартиботи амалга оширилгандан кейин уларни Тошкент туманлараро иқтисодий судига кўриб чиқиш учун беради. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

12. Мазкур Шартнома уни Томонлар имзолагандан кейин кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

13. Мазкур Шартномага барча иловалар, қўшимчалар ва ўзгартиришлар ёзма шаклда, мазкур Шартномага қўшимча келишув кўринишида расмийлаштирилади ҳамда ҳар иккала Томон имзолаган пайтдан бошлаб, зарурат бўлганда эса – ваколатли органларда, шу жумладан Молия вазирлигининг Ғазначилигида мажбурий рўйхатдан ўтказилгандан кейин унинг ажралмас қисмига айланади.

14. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

### ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**«НОШИР»**

«MTSFER-U Nashriyot uyi» МЧЖ
Юридик ва почта манзили:
Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент ш., Нукус кўчаси, 1-тор кўча 4 уй.

**«Ипак Йўли» АИТ Банкдаги**
**х/р 20208000704464164001**
**МФО 00444 СТИР 206101988**

**ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтиш коди 326010018792**

**Тел.: +998 78 150 00 09, +998 90 370 58 13**
**+998 90 968 98 69**
**e-mail: oap@mcfr.uz**

Директор ____________ / Тургунов У.А. /
М.Ў.

Адвокат ____________ / Снежкова А.Ю./
Лицензия TN №001642

**«ОБУНАЧИ»**

____________________________
Юридик манзили: ____________________
**ПОЧТА МАНЗИЛИ (етказиб бериш манзили):**
индекс ____________, вилоят ____________________
туман (шаҳар)____________________ қишлоқ ____________________
кўча ________________________________ уй ____________
хона (каб.) ____________ **тел./факс:** ____________
Банк номи ____________________
х/р ____________________
МФО ____________ СТИР ____________

Раҳбар ____________ (____________________)
М.Ў.

Юрист ____________ (____________________)